Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 19-oktabr • Payshanba • 123 (27.615) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2006 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 23 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 23 октябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 18 октябрь

ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР

II ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ БУНИ ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАДИ

Тошкентда бўлиб ўтган II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасига дунёнинг турли минтақаларидан йирик тўқимачилик корхоналари ва савдо компанияларининг вакиллари ташриф буюрди. Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ва «Cotton Outlook» журнали кўмагида ташкил этилди. Ярмарка иштирокчиларининг фикрича, уни ўтказиш учун йилнинг энг қулай, яъни пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайти танланган.



Ярмарканинг ёпилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ганиев таъкидлаганидек, бу галги ярмарка ўзбек пахта толаси истеъмолчилари билан узоқ муддатли шериклик муносабатларини ўрнатиш, толани сотишнинг очиқ ва транспарент механизмини яратиш мақсадида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йили ўтказилган I Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг мантиқий давоми бўлди. Мазкур тадбирлардан кўзланган асосий мақсад — ўзбек пахтасининг дунё бозорига янада кенгроқ кириб боришини таъминлашдан иборат. Дастлабки натижаларга кўра, 1 миллион 700 минг тонна пахта толаси бўйича экспорт шартномалари ва битимлари тузилди, шундан 600 минг тонна тола 2006 йилги пахта ҳосили, қолган қисми эса — келгуси икки йилда олинадиган ҳосил ҳисобидан бўлиб, бу шерикларимизнинг узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигидан дарак беради. Энг йирик шартномалар Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Бангладеш, Корея Республикаси ва Россия Федерациясининг компаниялари билан тузилди.

Муқояса учун ўтган йили 1,1 миллион тонна тола бўйича шартномалар имзоланганини, бу йил харид ҳажмининг сезиларли даражада ўсганини, жаҳон бозорида ўзбек пахтасига талаб ортиб бораётганини айтиб ўтиш кифоя.

Бундан ташқари, ярмарка иштирокчилари сони ўсиши билан бирга пахта етказиб бериладиган мамлакатлар географияси ҳам кенгайди. Масалан, 2005 йилда Тошкент ярмаркасига 30 мамлакатдан пахта савдоси билан шуғулланадиган 169 вакил келган бўлса, бу йил 36 давлат, жумладан, Беларусь, Вьетнам, Ҳиндистон, Эрон, Малайзия, Покистон, Туркия, Украина ва Франция каби мамлакатлардан 250 дан ортиқ вакил ташриф буюрди. Шуниси эътиборлики, биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирганлар орасида Жануби-Шарқий Осиё компаниялари кўпчиликни ташкил қилади. Ушбу минтақа эса аста-секин жаҳон тўқимачилик саноатининг марказига айланиб бормоқда.

Республикамизда етиштирилаётган пахта толасини халқаро стандартлар бўйича сотиш учун — тайёрлаш, сертификатлаш, сақлаш, ташиш, бозор талабига қараб нархини белгилашга доир барча шарт-шароит яратилган. Бу механизм мунтазам такомиллаштирилмоқда, барча бўғинларда энг замонавий технологиялар, ҳисоб-китоб услублари жорий этилмоқда, қулай транспорт йўлаклари аниқланиб, янгилари ташкил этилмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги мутахассисларининг фикрича, 2006 йил пахта ҳосилининг ярмаркага қўйилган қисми тўлиқ сотилгани табиий ҳол. Негаки, ўтган йиллардаги сотув кўрсаткичлари ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб катталиги ва унинг таклиф этилаётган ҳажми ҳар доим тўла харид қилинаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистон дунёда пахта экспорти бўйича иккинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб келмоқда.

Ташкилотчиларнинг айтишига қараганда, мамлакатимизнинг хорижий ҳамкорлари орасида ўзбек толасидан бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчилар улушининг сезиларли даражада ортгани ярмарканинг асосий самараларидандир. Ваҳоланки, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган трейдер компаниялар сони ҳам камайгани йўқ. Бу иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва барқарорлаштиришда муҳим омил бўлади. Чунки, бундай шароитда истеъмолчи корхоналар барқарор ишлайди. Уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши муайян сифат хусусиятларига эга хомашё асосида режалаштирилади. Бундан ташқари, ярмаркада кўплаб нуфузли экспертлар ҳам иштирок этди. Улар нафақат ўзбек толаси сифатининг юқорилиги, балки Ўзбекистоннинг пахтачилик тармоғи барча бозор ўзгаришлари ҳамда муайян истеъмол талаблари ҳисобга олинган ҳолда жадал ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ярмаркада иштирок этган «Cotton Outlook» журнали бош муҳаррири Р.Батлернинг таъкидлашича, бундан буён ушбу нуфузли нашр ўзбек пахтаси бўйича котировкаларни мунтазам эълон қилиб боради. Бу эса чет эллик ҳамкорларимизнинг ушбу соҳадаги нарх сиёсатидан бохабар бўлишида ёрдам беради.

Бундан ташқари, ярмарка қатнашчилари республикамиз пахтачилик комплексида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган ижобий натижаларни ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўлди. Улар Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» пахта тозалаш заводи ва «Тошкент-Тола» пахта терминалига ташриф буюриб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

2-бет

• Муносабат

ФЕРМЕР АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз сўзлаган нутққа юртдошларимиз муносабат билдириб, ўзларини тўлқинлантираётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини айтишмоқда

Таҳририятимизга ёши чамаси 60 ларни қоралаган, бошига ўзбекона дўппи кийган бир киши кириб келди. Ўзини Абдумалик Каримов деб таништирган бу инсон Оққўрғон туманидаги «Покиза — М» фермер хўжалиги раҳбари экан.

— Сизларга ҳам гоҳида қойил қолмайман ука, — дангалига ўтди у. — Режа қанча? Ҳосилдорлик неча центнер? Экин майдонларингиз қанча? — деган ўзларингизга керакли саволларни сўрайсизлар-у, бизни қийнаётган муаммолар, юрагимизнинг тубида ётган дардларимизни суриштирмайсизлар...

Мана, кеча Юртбошимизнинг фермерлар ҳақидаги гапларини эшитдик. Тўғриси, қаттиқ ҳаяжонландим, ҳам ғурурландим. Кўнглимиздаги гапни айтдилар, дардимизни айтдилар. Ҳақиқатан ҳам оёққа туриб олишимизда кўп қийинчиликларга дуч келдик. Аввало, ерни олиш осон бўлмади. Айрим раҳбарлар худди отасининг мулкини бераётгандек қаттиқлик қилишди... Фермерлик келажагига ишонмаганлар ҳам бўлди...

— Ўзингиз мисолингизда айтсангиз, қандай қилиб фермер бўлдингиз, ишни нимадан бошладингиз?

— Илгарилари, оддий «колхозчи» эдим. 2001 йилда тумандаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудидан ҳосилдорлиги паст, насос ёрдамида сув ичадиган 56 гектар ерни, ширкат раиси билан жанжаллашиб олиб фермер бўлгандим. Ширкат даврида ҳар гектаридан 10 центнер пахта, 15 центнер миқдорида ғалла йиғиштириб олинган бу майдонлардан ўша йилнинг ўзидаёқ, 35 центнер пахта, 55 центнерлик ғалла етиштирдик.

Бир пайтлар, ҳаттоки уйимни таъмирлашга ҳам маблағ тополмасдим. Бугун эса бойваччаман. Фойдамиз ҳисобидан 4 та янги автомашина олдик. 22 миллион сўмга хўжалигимизда ишловчиларга «Газель» русумли микроавтобус сотиб олдик. 10 дан зиёд ўз техникаларимизга эгамиз. Ҳудудимиздаги 2 та ўрта мактаб ҳамда болалар боғчаларини ўз оталиғимизга олганмиз. Кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилалар ҳолидан доимо хабар олиб турамиз....

Фермер бўлгач, икки марта Мисрга бориб келдим, мана яқинда Италиянинг Балонья шаҳрида бўладиган «EIMA-2006» қишлоқ хўжалик техникалари кўргазмасига таклиф қилиндим. Оддий деҳқон учун бу гўё бир тушдай гап эди.

Дарҳақиқат, бундай ўзгаришлар, янгиланишлар оддий қишлоқ одамлари учун ҳеч хаёлга келмаган воқеа. Яқин ўтмишда бу кунлар ҳақида нафақат орзу қилиш, бир кун келиб шундай бўлади деса, ҳеч ким ишонмасди. Бу саодатли кунларнинг бари истиқлолдан эканини фермерларимиз чуқур англаб олишмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

• ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

КЎПЧИЛИК ИШОНЧИГА САЗОВОР ДАРГОҲ

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида партиямиз кенгашлари қошидаги 212 та Жамоатчилик қабулхонасига 9506 та мурожаат тушди. Уларнинг 6000 таги яқини партия кенгашларининг аралашуви, ХДП депутатларининг депутатлик сўрови орқали маҳаллий ҳокимликлар, тегишли мутасадди идора ва ташкилотлар, ҳомийларнинг ёрдами билан ижобий ҳал этилди.

Бугун дардингизни айтсангиз ҳамма ҳам жон қулоқ бўлиб тинглайвермайди. Эшитганда ҳам самимий маслаҳат, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши даргумон. Лекин, Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари бундан мустасно. Бир йил олдин фуқароларнинг муаммо ва ташвишларини, айниқса оддий кишиларнинг ижтимоий масалаларини тинглаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган мазкур қабулхоналар бугун ўз мақсадига эриша олаяпти, кўпчиликнинг ишончини қозона олди, десак муболаға бўлмайди. Жамоатчилик қабулхоналари одамларнинг шахсий масаласи бўладими, кенг жамоатчилик ўртасидаги муаммо бўладими, бундан қатъи назар, оғзаки ёки ёзма тарздаги мурожаатларини қабул қилаверадилар. Уларнинг мақсади битта — одамларнинг дарду ҳасратини эшитиш, маҳаллий партия кенгашлари, ХДПдан сайланган депутатлар ваколати доирасида тегишли мутасадди идоралар раҳбарларига чиқиб, масалани ижобий ҳал этиш ёки фуқарога юридик ва бошқа маслаҳат беришдир.

Партия қабулхоналари жойларда вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий кескинлик омиллари ва кўпроқ қандай масалалар жамоатчилик диққат марказида бўлаётганлигининг мунтазам мониторингини юритиш имконини беради. Бинобарин, ўтган 9 ойда тушган мурожаатларнинг 1917 таси, яъни 20 фоизи ичимлик суви ва табиий газ таъминотидаги узилишлар, электр энергиясини асоссиз равишда ўчириб қўйиш каби муаммолардан иборат. Булар Сурхондарё вилоятида 240 тани, Фарғона вилоятида 225 тани, Навоий вилоятида 180 тани, Тошкент шаҳрида 130 тани ташкил қилади. Кўриниб турибдики, коммунал масалаларда аҳолининг эътирозлари ҳамон оз эмас.

Аҳолининг ўсиши натижасида фуқароларнинг якка тартибда уйжой қуриш, шахсий томорқа олиш масаласида ҳам шу кунга қадар 1000 нафардан кўпроқ кишилар мурожаат этган. Навоий шаҳар партия кенгашига якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқаролар Р.Ҳасанова ва М.Ибрагимовалар ер ажратиб беришларини сўраб мурожаат қилишди. Партия қабулхонаси аралашуви билан бу масала маҳаллий ҳокимлик томонидан кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Албатта, бу каби мисоллар талайгина. Хусусан, йил бошидан буён Наманган вилоятидан 221, Андижон вилоятидан 163, Фарғона вилоятидан 124 нафар фуқаро Жамоатчилик қабулхонасига ер олиш масаласида мурожаат қилган.

Бугунги кунда жойлардаги ҳокимликлар ва мутасадди ташкилот, муассасалар томонидан қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жамоатчилик қабулхоналари ҳам бунга ўз ҳиссаларини қўшаяпти. Мисол учун Пискент туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига иш сўраб мурожаат қилган Саодат Мўминова туман марказий касалхонасига, Наргиза Абдукаримова эса Кўзи ожизлар жамиятига ишга жойлаштирилди. Бироқ, бу масалада қабулхоналарга тушаётган мурожаатлар сони камаймаяпти. Наманган вилоятида 205 нафар, Андижон вилоятида 197 нафар, Қорақалпоғистон Республикасида 104 нафар, Қашқадарё вилоятида эса 70 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган.

Сўнгги пайтларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами орасида молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилаётганлар тез-тез учрамоқда. Яъни, йил бошидан ҳозиргача жами мурожаатларга нисбатан 13 фоиз фуқаро жамоатчилик қабулхоналарига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилишган.

Таҳриллардан кўриниб турибдики, жойларда аҳолини ташвишлантираётган муаммолар етарли. Келтирилган рақамлар ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат қилганларнинг сони, холос. Бизга келмаган, лекин шундай ташвиш билан юрган юртдошларимиз ҳам анчагина экани тегишли мутасаддиларни ҳушёр торттириши керак. Шу билан бирга, жойлардаги ХДПдан сайланган депутатлар, депутатлик гуруҳлари, партия кенгашлари ҳам бу масалага эътиборни кучайтирсалар айни муддао бўларди.

Шу ўринда Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларнинг сони ҳам кишининг диққатини тортади. Хусусан, жорий йил бошидан буён ХДП Наманган вилоят кенгашига 1253 нафар, Сурхондарё вилоят кенгашига 978 нафар фуқаро мурожаат этгани ҳолда, Жиззах вилоят партия кенгашига атиги 74 нафар, Хоразм, Тошкент вилоят кенгашларига 382 нафардан киши ташриф буюришган. Ҳақли савол туғилиши табиий: Бу ҳудудларда одамларни ташвишлантираётган муаммолар озми ёки партия кенгашларимиз мурожаат этганларга ёрдам кўрсатишда фаоллик кўрсатмасдан уларнинг ишончига киролмаяптиларми?..

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, партиямиз кенгашларига, уларнинг Жамоатчилик қабулхоналарига ЎзХДП электорати, мададталаб кишилар умид ва ишонч билан келмоқдалар. Буни тўғри тушуниш, ишончга янада фаолроқ ҳаракат қилишга ундайди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
Баҳодир ХУДАЙБЕРГАНОВ

• «ЎзХДП — 15 йил» танловига

Публицистика

МАФКУРАВИЙ РАҚОБАТДА СЎЛ ҚАНОТ

ПИРОВАРД МАҚСАДИ: ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ, ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК, ИЖТИМОИЙ ДЕМОКРАТИЯ!

Ўтган асрнинг алғов-далғовли 90-йиллари боши... Етмиш тўрт йил тақдири ва таъминоти собиқ иттифоқ тизгинида бўлган Ўзбекистон энди ҳамма поғонада унга бўйсунишдан бош тортиб, «марказ» чизиғидан чиқа бошлади...

Осон бўлмади... Таъминотда ҳам, тақсимотда ҳам узилишлар юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнлари бошқа минтақалар билан боғлиқ бўлган кўплаб саноат корхоналари деярли тўхтаб қолаёзди... Очиғи, ўшанда 21 миллион нафар аҳолига эга бўлган катта бир халқ, лоф эмас, мушкул аҳволга тушиб қолганди...

Эсимда, Президентимиз Ислом Каримов ўша кезларни XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясидаги (1992 йил, 2-3 июль кунлари) маърузасида образли қилиб: **«Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди»** — деб таърифлаган эди.

Дарвоқе, ўшанда ички сиёсатимизни ўзимиз энди-энди бошловдик. Ташқи сиёсатда илгари доим иттифоқ мутелигида бўлиб, тажрибага эга эмас эдик. Ташқи савдони мустақил қилиб кўрмагандик. Дунё бозори, банклари, тижорат фирмалари билан алоқамиз йўқ эди. Кимдан, қанча ва қандай шартлар билан қарз олишни, уни кейин қай тарзда қайтаришни билмасдик... Худди шундай ададсиз муаммолараро тўғри йўлни танлаб олдик.

Истиқлолнинг илк кунидан бошлаб, бировлар сингари садақага қўл чўзмай, ўз қадр-қимматимиз билан ўзимизни ўзгалар даврасида тенг тутиш **йўлини танладик...**

Биз ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналиши, асосий негизи, асосий мазмунини — чинакам **мустақил Ўзбекистон** давлатини барпо этиш, чинакам халқчил, **инсонпарвар жамият** қуриш, деб билдик. Айни шу асноларда сиёсий майдонга чиққан **Ўзбекистон Халқ демократик партияси** айни шундай мақсаду муддаоларга эш бўлди, муштарак бўлди.

У давлатимиз раҳбарининг миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура борасида ботбот ирод этган мана бу сўзларига таянди: **«Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз. Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил.**

Биз тўйида ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз».

...Кун сайин шакллана борган мустақиллик мафкураси яна бир жиҳатни: ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмаслигини ҳисобга олди. Ҳаёт ҳам жамиятимизда турли партиялар ва жамоат ҳаракатлари вужудга кела бошлаганини, сўз эркинлиги ҳамда ошкораликка йўл очилганини ижобий баҳолади. Президентимиз бу ғояни ўзининг **«Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар»** (Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил)

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

● «ЎзХДП — 15 йил» танловига

Публицистика

МАФКУРАВИЙ РАҚОБАТДА СЎЛ ҚАНОТ

ПИРОВАРД МАҚСАДИ: ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ, ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК, ИЖТИМОИЙ ДЕМОКРАТИЯ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

асарида ривожлантириб деди: **«Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи ошади. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурини, берган ваъдаларини бажараолмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ фақат ютиши мумкин».**

ЎзХДП ўз янги дастурида (2005 йил) шунга ҳамоҳанг ёзди: **«Партия миллий ғурурсиз ва миллий анъаналар қўллаб-қувватланмасдан келажак йўқ, деб ҳисоблайди...**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистоннинг мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш, мамлакатда фуқаролик ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик, ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ўз мафкураси ва сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади». Зеро, у шундагина, халқ орасида ўз роли ва мавқеи ошишини, одамларга манзур бўлган дастуридаги ваъдаларини бажара олишига имкон топишини идрок этди. Шундагина, у бошқа сиёсий партиялар билан рақобатда **конструктив соғлом оппозицияда** собит туроолишини, сайловларда ўз электорати мадади билан ютиб чиқиб, **муҳолифат партиядан ҳокимият партиясига** айланиш учун кураша олишини, пировардида, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўша олишини олдиндан кўра билди.

Ана шу олдиндан кўра билишнинг ўзиёқ, унга ўз сафларини сон ва сифат жиҳатдан муттасил ўстириш, сиёсий фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш, умуммиллий манфаатларни тиниқлаштириб бориш, мафкуравий принциплар, қадриятлар ва устуворликларини белгилаб олиш имконини берди, бўлиб ўтган Қурултой ва Пленумларида бу жараёнлар йил сайин такомил топди.

Хусусан, 2005 йилдаги V Қурултойи ва жорий йил апрелидаги IV пленуми партия **сиёсий мафкурасини** янада ривожлантиришда туб бурилиш ясади. Уларда партия ўз **мафкурасини мустақиллик мафкурасига: юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги** каби умуммиллий манфаатларга таянишини баралла эълон қилди ва айни пайтда бу мафкуранинг **асосий принципларини: ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия** деб белгилади.

Ижтимоий идеалига: Ўзбекистонда **социал демократик давлат**ни бунёд этиш, деб ёзиб қўйди. Зотан, бунга эришиш — республиканинг ҳар бир фуқаросига келгусида унинг юқори маълумотлилиги ва тўлақонли касбий бандлиги учун барча шароитлар яратиб берилиши таъминланишини, шунингдек, ҳар бир оила учун жаҳоннинг ривожланган давлатлари эришган кўрсаткичлардан қолишмайдиган даражадаги даромадлар миқдорини кафолатланишини мақсаду маслак деб билди.

Асосий дастурий йўналиши меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ва меҳнатига муносиб иш ҳақи берилишини таъминлашга қаратилди. Ўзининг асосий таянчи сифатида юксак маънавиятли ёш авлод мураббийлари — ўқитувчиларга ва миллат соғлиги посбонлари — шифокорларга суянди.

Ижтимоий адолат ва **ижтимоий қўллаб-қувватлаш** ҳамда ёрдамга муҳтож фуқаролар манфаатлари муҳофазаси йўлида — меҳнатга қобилиятли ишсиз аҳоли, ўқув юртларини тамомлаб ишга жойлаша олмаётган ёшлар, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалардаги аёллар ҳамда асосий даромади фақат ўз меҳнатидан келадиган одамлар манфаатларини ифода этишга, ҳимоя қилишга, кўмак беришга чоғланди.

Энг қувончлиси, ЎзХДП аъзолари партиянинг ислоҳ қилинаётганлигини, мафкура ва бошқа йўналишларда фаолияти янгиланаётганлигини тўла қўллаб-қувватладилар. Айниқса, **партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларга аъзолик гувоҳномаларини топшириш тадбири** унинг сафларини нафақат поклаш ҳамда саралаш, балки фаолиятини янги ғоялар билан бойитиш, янги вазифаларини белгилаб олиш тадбири ҳам бўлди. Унинг ғояларига бефарқ ёки уларга қўшилмаётганлар ҳамда у билан алоқасини узган эътиқодсиз аъзолардан халос бўлиб, **кучларини қайтадан гуруҳлашга**, сайлов органларига **янгиланиб** боришга жазм этди.

Маслак-муддаоси — ЎзХДП мамлакат сиёсий аренасига **мафкуравий жипслашган, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган** ҳолда бориш ва шу йўл билан дастурий мақсадларини амалга оширишга қобил куч йиғишга эришиш бўлди.

Давлатимиз раҳбари республикамизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир сиёсий партиянинг айнан шундай йўлларни босиб ўтиши кераклигини алоҳида таъкидлаб деди: **«Партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий етукликка эришиш, энг муҳими, молиявий мустақиликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак. Дастури ва йўналишидан қатъи назар, шаксшубҳасиз, барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга».**

ЎзХДП шундан сўнг Мустақилликнинг ҳам, ўзининг ҳам 15 йиллигига мамлакат сиёсий кучларининг **сўл қаноти** сифатида ўз платформасини янада ойдинлаштириб, нафақат асосий сиёсий рақибини шунчаки таниб улгуриб, балки бошқа партиялар билан сиёсий блок тузган либерал демократларга нисбатан ўз сиёсий мафкурасининг ғоявий устуворлигини ҳам барча тафовутлар қамровида аниқ белгилаган тарзда келди. Зиммасига **демократик парламент** мухолифати масъулиятини олиб, келгуси сайловларда, шаксиз, ғалаба қозонишга ва охир оқибатда ХДПни **муҳолифат партиядан ҳокимият партиясига** айлантиришга бел боғлаб майдонга тушди.

Жамиятда **ишончли етакчиликка** эришишнинг асосий воситаси сифатида ўз сиёсий оппонентлари билан мафкуравий рақобатга киришганини очиқ эълон қилиб, эндиликда у **парламент типи**даги **электорат партияси** тарзида шаклланаётганлигини ёркин намоён этди.

...Бундан беш асрча муқаддам италиялик сиёсатшунос Никколо Макиавелли халқни билмоқ учун ҳоқон бўлмоқ, ҳоқонни яхши англамоқ учун халққа мансуб бўлмоқ керак, деган эди. Худди шу фикрни агар ҳозир мамлакатимиздаги сиёсий кучларга ҳам муқояса қилсак, аҳолининг турмуш тарзини билмоқ учун сиёсий-ижтимоий партия бўлмоқ, партияни яхши англамоқ учун эса аҳолига яқин (мансуб) бўлмоқ керак, деган бўлардик. Ва айни шу фикрдан келиб чиқиб, беихтиёр савол ҳам туғилган бўларди: халққа (тоифалашиб бораётган аҳолига) ҳозир қайси партия яқин турибди? Иқтисодиётда **эркин бозор** тарафдорлари — **либералларми** ёки республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик негизини ташкил этган **ижтимоий бозор иқтисодиёти** тарафдори — **Халқ демократик партиясими?**

Шахсан мен, очиғи, ўзгалар номидан эмас, ўз номимдан, ўз сўзимда собит туриб эътиқод билан айтаман: албатта, **Халқ демократик партияси!**

Негаки, такрор бўлса-да, сўзлайлик, унинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик йўли негизида **ижтимоий бозор иқтисодиёти** ғояси ётибди. Биласиз, бозор иқтисодиёти, даставвал, ижтимоий тус олмоғи учун у қонун билан белгиланган молиявий ва солиқ воситалари қўмагида бошқарилади. Давлат ҳам айни шу йўл орқали юқори даромадларнинг муайян улушини ижтимоий сарф-харажатларнинг молиялашувига йўналтириб боради. Бу эса, пировардида, энг юқори ва энг паст даромадлар ўртасидаги фарқнинг қисқаришида самарали механизмдир.

ЎзХДП ишсизликни бартараф этиш йўлида, хусусан, қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида қишлоқларда, овулларда кўпроқ иш жойлари ва муносиб ҳақ тўланадиган муқим иш билан таъминланиши ғояси тарафдори эканлигига ҳам алоҳида эътибор беринг. Бунинг учун партия мустақиллик ғояларига таянган ҳолда давлатнинг асосий вазифаларидан бири — қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириши керак, деб ҳисобламоқда.

ЎзХДП **индивидуализм** концепцияси ҳосиласи — **шахс эркинлиги устуворлиги** принципига ҳам у қадар қўшилолмайди. Чунки, мазкур ғоя халқимизнинг азалий **маҳаллий жамоавийлик ва ижтимоий бирдамлик** сингари тарихий қадриятлари қолипларига (наздимизда!) тўла мос эмас. Шу боис, партия бу борада ўз мафкураси ва ғоялари асосида шароитимизга (менталитетимизга!) тўғри келадиган ижтимоий бирдамлик ва жамоавийлик принципларини ёқлайди.

ЎзХДП, айниқса, давлат ва жамият қурилиши масалаларида ўз қарашларига эга. У **ўзини ўзи бошқарадиган кучли фуқаролик жамиятини кучли давлат ҳокимиятининг** муқобили деган қарашларнинг бир ёқлама эканлигини таъкидлайди. Зеро, бундай ғоя, яъни давлат аста-секин барҳам топиб бориб, ўрнида ижтимоий ўзини ўзи бошқарув тизими қарор топиши ғояси ўтган аср — XX аср ғояси. ЎзХДП XXI асрда ўзининг **социал демократик жамият** тўғрисидаги концепциясига биноан, **давлат ва жамият — бир-бирини тўлдирувчи институтлардир**, деб билади. Бу институтларнинг концепцияси мантиғи шундаки, кучли ва таъсирчан давлат ҳокимияти — ривожланган фуқаролик жамиятига таянади, халқ назорати остида иш олиб боради ва халқ олдида ҳисобдор бўлади.

Шунингдек, ЎзХДП (мафкуравий рақобатда сўл қанот!) жамият бахт-саодатининг негизини фақат мулкдорларгина эмас, балки келгусида — ҳозирча ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалар ҳам ташкил этади, деб билади. Шунинг учун ҳам у даромадларни ижтимоий тўғрилаш, аҳолининг бойлар ва камбағаллар тоифаларига ажралиб қолишининг олдини олиш чораларини кўриш зарурлигини тавсия этади ҳамда ўз сиёсий ва мафкуравий рақобатдошларидан бундай ажралиш юзага келмаслиги борасида тахминий, мавҳум фикрлар эмас, аниқ, реал ишончли таклифлар сўрайди. Зотан, ЎзХДП ғояларининг инсонпарварлиги, халқчиллиги, ишонарлиги ҳам шунда!

Мустақиллик — ўтган 15 йил ичида ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши асосида бутун бир асрга менгзагулик даврни босиб ўтганидек, ЎзХДП ҳам шу давр ичида ўз ғоялари ривожи, ўз стратегияси такомили ва идеалларининг ойдинлиги ҳамда мафкураси принциплари қамровида муайян сиёсий тажриба мактабини ўтаб, муайян сиёсий етуклик йўлларидан бормоқда.

Мустақиллик — ўтган 15 йил ичида мамлакатимизда давлат қурилиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб бурилиш ясаганидек, таъбир жоиз бўлса, ЎзХДП ҳам шу йиллар давомида ўз сиёсий платформаси ва сиёсий мафкураси тизимларида туб бурилишга эришди.

Мустақиллик шарофати билан жамиятимизда маънавий-мафкуравий иқлим мутлақ ўзгаргани каби ЎзХДПнинг аъзолик гувоҳномасини олган ҳар бир фуқарода янгича сиёсий мафкуравий нуқтаи назарлар шаклланиб, **эътиқод, садоқат, орият, шаън, қадр-қиммат** ва **миллий ғурур** туйғулари кучайди.

Мухтасар айтганда, мустақиллик туфайли янги ўзбек **миллий Уйғониши** юз бериб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олдик. Бу Уйғониш — мамлакатимизнинг асосий Қонуни бўлмиш — **Конституциямизда, Байроғимизда, Гербимизда, Мадҳиямизда,** янги **Кодекс**лар ва **қонун**ларимизда намоён бўлиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида ҳам ўзининг ёркин ифодасини топди.

Бу уйғониш ифодаси мамлакатимиз раҳбари шу йил август ойида имзо чеккан **«Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»**ги Қарорида яна бир бор жиддий таъкидланди.

Қарорда айнан миллийлигимизни, ўзлигимизни англаш ва маданий-ижтимоий жиҳатдан юксак дунёқарашни эгаллаш, мафкура ва тафаккуримизни истиқлол ғояларини мустаҳкамлашга хизмат қилдириш каби йўналишлар белгиланган бўлиб, бу йўналишлар шу кунларда ЎзХДПнинг ҳам кундалик ижтимоий-сиёсий ишларида ёркин акс этмоқда. Жумладан, шу йил 22 сентябрь куни бўлиб ўтган партия фаолларининг республика-семинар кенгаши иштирокчилари диққат марказида ҳам айни шу масала турди.

Шак йўқ, бу — Истиқлол пойдевори устида юксалаётган, ривожланаётган **мақсад, маслак** ҳамда **муддаоларимиз, миллий ғоя тарғиботи** ва **маънавий-маърифий ишларимиз** самарадорлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз эшлигидан, пировардида, ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия сари бўлган барча интилишларимиз муштараклигидан дангал далолат!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР

II ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ БУНИ ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасида ўтказилган кўргазмали савдо сессияларида иштирок этдилар. Бу ерда ўтган йили ташкил этилган валюта майдончасида пахта толасини электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда экспортга сотиш ишлари амалга оширилади.

— Биз ўзбек пахтасини 2001 йилдан буён мунтазам равишда сотиб оламиз, — дейди Сингапурнинг «SinCot (PTE) Ltd» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили Юрий Банников. — Бу йил 10 минг тонна тола сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолашга келишиб олдик. Халқаро ярмаркада иштирокимиз жуда самарали бўлди, у янги алоқалар ўрнатиш, янада фойдали битимларни амалга ошириш имконини берди. Компаниямиз ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Зеро, ўзбек пахтаси дунёда энг аъло толалардан бири. Биз қиммат, лекин энг юқори сифатли, аъло таснифга эга пахта толасини сотиб оламиз. Чунки ишлаб чиқарувчиларимизнинг айнан шундай хомашёга эҳтиёжи катта.

— Тошкентда халқаро пахта ярмаркасининг ўтказилишидан Интернет орқали хабар топдик, — дейди Эроннинг «Гавҳар нахе Карманшоҳ» компаниясининг бошқарувчи директори Манучеҳр Сайёрий. — Унда иштирок этиш учун шу заҳоти ариза бердик. Негаки, бу ўзбек толасини воситачиларсиз, тўғридан-тўғри ва нисбатан арзон нархда сотиб олиш учун жуда қулай имконият-дир. Бизнинг калава ишлаб чиқарадиган корхонамиз учун ойига 2 минг тонна пахта толаси керак. Энг муҳими, ярмаркада турли навлардаги ўзбек пахтаси намойиш этилди ва биз ўзимиз учун зарур бўлган навларни танлаб олиш имконига эга бўлдик.

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси анъанавий тус олгани қувонарли ҳол, — дейди Бангладешнинг «Rashawa Spining Milli Ltd» корхонаси вакили Фақир Шоҳид Иқбол. — Биз ажойиб ўзбек пахтасининг сифат кўрсаткичлари ҳамда сотилиш шартлари билан танишдик ва у бизга жуда маъқул келди. Энди ўзбек толасини «учинчи қўл»дан эмас, балки бевосита ярмарка давомида тузилган шартномалар бўйича сотиб оламиз.

— Биз 10 минг тонна аъло сифатли тола харид қилиш тўғрисида шартнома имзоладик, — дейди Буюк Британиянинг машҳур «Plexus cotton limited» савдо компаниясининг Ўзбекистондаги вакили Мурод Тлеужонов. — Музокаралар жараёни ҳамжиҳатлик руҳида ўтди, сотиш шартлари барча халқаро стандартларга мос. Ярмарка юқори савияда ташкил этилди, самарали ишлаш учун барча шароит яратилди.

Тошкентда бўлиб ўтган II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг якунлари мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозорида энг етакчи ўринлардан бирида туришини яна бир бор тасдиқлади. Жаҳон бозорида талаб юқори бўлган ўзбек пахтасининг сифати — мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бераётган самараларнинг яна бир ёрқин намоёнидир.

А.ИВАНОВА,
Ф.АРЗИЕВ,
ЎзА мухбирлари

Суратларда: ярмарка фаолиятидан лавҳалар.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

СЎЗ АЙТМОҚ САОДАТИ

Долзарб мавзу

ЁКИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ТАЪСИРЧАН ЙЎЛЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳозир кўпчилик идора ва ташкилотларда маънавий-маърифий ишлар ҳисоботини юргизиш расм бўлган. Уларда ушбу ташкилот ходимлари томонидан тарғибот-ташвиқот мақсадларида бот-бот уюштириладиган анжуман, суҳбат ва маърузалар, ҳатто матбуотдаги чиқишлар сони ҳам қайд этилади. Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши давр талаби ва албатта тахсинга лойиқ. Кўпчиликка қарата айтилган сўзни биров тингламаса, бошқа биров албатта тинглайди. Айтилганларни дилига жо этиб, амалий ишга бел боғлайдиганлар ҳам анчагина.

Аммо тўғрисини айтганда, қудуққа ташланган тош каби беиз ва бесамар қолаётган чиқишлар оз эмас. Ҳисоботлардан айнан шунга ўхшаш тадбирлар ўрин олаётгани эса ачинарли ҳол. Майли ўрин олса-олаверсин, рақамлар сонига мурожаат қилинадиган, унга эҳтиёж сезиладиган ҳоллар ҳам учраб туради. Аммо, бунинг бир ножоиз тарафи бор. Маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот тадбирларига масъул бўлган аксарият мутасаддилар ўзларини ўтказилаётган маросимлар ва уларнинг сони билан юпантирадилар. Ҳаёт воқелиги эса бутунлай бошқача. Чунки инсон қалбида из қолдираётганидан кўра, беиз кетаётган «сўз»лар кўпроқ, десак хато бўлмас.

Гап одамларга қарата айтилгучи каломнинг натижаси ва самарасида, қалбларда қолдирган акс-садосида. Маънавий-маърифий тарбия номига, ҳисобот учун уюштирилмаслиги керак. Президентимизнинг яқинда қабул қилган **«Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»**ги Қарори ҳам айнан ана шу хулоса ва ундан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни ўртага кўндаланг қўйди.

Аввало, масаланинг бу тарзда қўйилиши бежиз эмас. Бугун янгиланаётган замон янгича ғоя, янгича тафаккур ва дунёқарашни талаб этмоқда. Бу долзарб юмушни эса, таъсирчан ҳамда самарадор воситалар ёрдамидагина муваффақиятли уддалаш мумкин.

Қарорда таъкидланганидек, **«Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда».** Шуни эслатиш жоизки, ўтмишга айланган «социалистик мафкура» идоралари, уларнинг улкан ташвиқот машинаси омма хоҳиш-иродасига мос келувчи бундай қарашларни доимо кескин равишда инкор этиб келган. Партия ғояларигагина йўл берилган. Халқ дарди, манфаатига ҳамоҳанг қарашлар эса ҳамиша таъқиб қилинган, аёвсиз зарбаларга дучор этилган.

Эътироф этмоқ жоизки, миллий истиқлол мафкураси халқимиз дилидаги орзу-ниятларни, азалий урф-одат ва анъаналарни ифодалайди. Хўш, ушбу тамойиллар халқимиз онгига тўлақонли етказиб бериляптими? Бугун тарғибот-ташвиқот соҳасидаги ишларнинг таъсири, самарасидан қаноатлана оламизми?

Маълумки, мустақиллик туфайли мамлакатимизда миллий ғояни ўзида мужассамлаштирган тарихий қадриятларга, эзгу анъана ва урф-одатлар, айниқса, ҳуқуқий маърифатга кенг йўл очиб берилди. Бу соҳадаги улкан қамровли ишлар тарғибот-ташвиқот тадбирлари учун ҳам доимий мавзу ҳисобланади. Аммо, юқорида таъкидланганидек, кўнгилда хижиллик уйғотадиган битта ҳолат бор. У ҳам бўлса кўпчилик орасига келиб маъруза қилганнинг сўзини биров тинглаб, яна бировлар парвойи фалак ўтирган ҳоллар керагидан ҳам кўп.

... Яқинда Урганч шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғини раисларидан бири шундай воқеани айтиб берди. Аҳоли билан сув муаммолари мавзуида суҳбат ўтказиш учун шу соҳа вакили бўлган ёш мутахассисни маҳаллага чақиришибди. Мутахассис йигит сўзни сувнинг кимёвий таркиби ва хоссаларини баён этишдан бошлабди, ундан фойдаланишдаги илмий қоида ва йўл-йўриқларга тўхталибди. Маърузасини ғуж-ғуж факт ва рақамлар билан безабди. Гапнинг қисқаси, бу илмий «маъруза» мағзини деярли ҳеч ким чақаолмабди. Шунда вақти беҳуда ўтаётганига куюнган тингловчилардан бири тарғиботчига қараб, «Гапларингизнинг ҳаммасиям эсда қолавермайди «ёшулли», шунинг учун бизга қилишимиз зарур ишлардан сўйлаб берсангиз», дебди.

Пировардида фаоллардан бўлган бир отахон ўрнидан даст туриб: «Фалончининг уйида водопровод ариқча ёқасида. Сувни кун бўйи ўша ариқчага оқизиб қўяди. Агар ҳисоблагич ўрнатса, чиқимига жони ачирди. Қўйироқдаги хонадонлар эса босим камлигидан сувга зор. Биласизми, сув катта қувурлар орқали Туямўйиндан — 90 чақирим наридан келади. Давлатимизнинг бунга ҳаржлаган чиқими қанча эканлигини тасаввур қилиб кўрганмисиз? Мустақилликгача кўчаларимизда сув тугул унинг қувури ҳам йўқ эди. Президентимиз халқимизнинг сув ва табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳали мустақилликка эришмасданоқ махсус фармон чиқарганларини наҳотки, унутган бўлсак? Ҳозир сувдан бўлган қарзимиз оз эмас. Агар тўловнинг чораси кўрилса, унинг улушини чиқариб, маҳалламизга беришаки. Ким таъминланган оилаларнинг кам-кўстига сарфлашимиз мумкин-ку, ахир?..» — дебди.

Бу воқеа кишини ўйлантириб қўяди. Дарҳақиқат, бугун ана шундай ҳолатларга тез-тез дуч келамиз. Муаммо бир ёқда қолиб, беҳуда вақт сарфлаш, асосийси, одамларни ишдан қўйиб, уларнинг асабини бузиш ўрнига тарғиботнинг таъсирчан йўлларини ахтариш керак эмасми?

Тарғибот-ташвиқот қудратли воситa. Унга асло бефарқ қарамаслик керак. Президентимизнинг юқоридаги қарорида авваламбор шунга урғу берилган. Ундан хулоса чиқарилса, сўз ҳеч маҳал беҳуда айтилмаслик, шамолга соврилмаслиги керак. Жамиятга, халққа нафи тегмайдиган, вақтингизни ўғирлаб, эътиборингизни чалғитадиган, зерикарли ва қуруқ чиқишларга ҳожат йўқ. Ҳозир маъни-мазмунсиз тадбирларга барҳам бериш фурсати етганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатаяпти. Буларни назарда тутсак, эл олдида гапириш ўта масъулиятли юмуш эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Тарғибот-ташвиқот масалаларида айнан ушбу ҳолатни назарда тутмоқ керак.

Шу ўринда бир гап. Бизда шўролар тузумидан қолган бир иллат бор. Бу — жамиятдаги ҳар бир масъул ёки лавозимли ходим бир вақтнинг ўзида ҳам тарғиботчи, ҳам ташвиқотчи ҳисобланади ва у иш бошлаган кунданоқ ана шу вазифани «зимма»га олади. Бугунги ҳаётнинг йўриғи эса бошқа. Унинг ёзилмаган бир қоидаси бор: халқ ҳаммагаям тан беравермайди, бунинг учун ундан устун бўлмоғинг керак. Акс ҳолда сўзинг инобатга олинмайди, одамлар эса бундай алфоздаги тарғибот-ташвиқотга зор эмас.

Инсон яхши мутахассис ёки ноёб касб-кор соҳиби бўлиши мумкин, бироқ эл, халқ олдида маънили, таъсирли сўз айтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Демак, нотиқлик санъати тарғибот-ташвиқот учун сув ва ҳаводек зарур. Биз қарордаги муҳим вазифалардан жиддий хулоса чиқариб, тарғибот-ташвиқот тадбирларини шакл, услуб ва мазмун жиҳатдан янгилаш, ислоҳ қилиш мавриди келганлигини эътироф этмоғимиз зарур. Бу ўринда маънавий-маърифий тарбия масалалари билан шуғулланувчи профессионал кадрлар муамосини биринчи галда ҳал этиш ниҳоятда муҳим, деб ўйлайман.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, давлатимиз раҳбарининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорида бу соҳадаги тагзаминли ва долзарб масалалар, дилимизни қитиқлаётган ҳис-туйғулар ўзининг мантиқий ифодасини топган. Зеро, унда қайд этилганидек, **«...халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш...»** бугун энг муҳим ва асосий вазифалардан бирига айланди. Мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу ғоят долзарб масалани таъсирчан тарғибот-ташвиқот йўли билангина муваффақиятли адо этиш мумкин.

Гап жамиятимизнинг муҳим ҳаётий манфаат ва мақсадлари хусусида кетар экан, авваламбор, асосий эътибор бу жабҳадаги устувор режаларни ҳаракатга келтирувчи ходимлар, кадрларга қаратилмоғи зарур. Одамлар орасида тарғибот-ташвиқот юргизишга масъул шахс билими, малакаси, қобилияти ва истеъдоди билангина эмас, балки обрў-эътибори, тутган мавқеи ва таъсири билан ҳам бу ишга ниҳоятда мос бўлмоғи зарур. Омма билан мулоқот қилишга қобилу қодир кишилар орасида ёшлар ҳам, катталар ҳам, олим ва зиёлилар ҳам, пиру бадавлат инсонлар ҳам бор. Одамлар обрў-эътиборли, ҳаётга мактабини ўтаган, илму заковати, инсоний фазилатларини намойиш эта олган ҳалол, покдомон юртдошларимизни албатта тан олишади, сўзини тинглаб, айтганларига амал қилишади. Бу ҳаётда синалган ҳақиқат. Тарғибот-ташвиқотни ҳеч иккиланмай ана шу қатлам вакиллари зиммасига юкламоқ даркор. Зеро, улар оммага қарата сўз айтмоқ саодатига муносибдирлар. Айни пайтда шунга ўхшаш салоҳият ва истеъдод соҳиблари сафини кенгайтириш масаласи ҳам диққат марказида бўлмоғи шарт.

Шу ўринда яна бир ҳолатни ҳам назарда тутмоқ зарур. Юртда ҳаммаям нотиқ ёки сўзамол эмас, аммо илмли, катта ҳаётий тажрибага эга кишилар анчагина. Бу тоифадаги одамларни омма билан юзма-юз мулоқотларга эмас, дейлик оммавий ахборот воситалари ёки бошқа шаклда амалга оширилaдиган тарғибот-ташвиқот ишларига сафарбар этилса, натижа юқори ва ижобий бўлиши шубҳасиз.

Хулласи, маънавий-маърифий тарбия — жамият ривожида ҳал қилувчи омилларнинг бири. Бинобарин, истиқлолимиз фидойилари — чин ватанпарвар инсонлар ўз-ўзидан камолга етмайдилар. Ана шундай инсонларни шакллантириш жамият олдидаги энг муҳим вазифа экан, бу йўлдаги ишларни жонлантиришда биз тилга олиб ўтган тарғибот-ташвиқотчиликнинг самарали усулларини ахтариш ҳам зарур ва фойдалидир.

Абдулла СОБИРОВ,
журналист

● Қарор ва ижро

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ

Тадбиркорликни давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасида кейинги пайтда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий таъсир чоралари қўллаш тизимини либераллаштириш, тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини янада соддалаштириш, уларга рухсатномалар бериш тизимини такомиллаштириш каби муҳим йўналишларда олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда эса хўжалик судлари муҳим ўрин тутади.

Тадбиркор ҳуқуқини ҳимоя қилиш — бу фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг дастлабки ҳаракати, унга мувофиқ судларда иш қўзғатилади. Ариза, шикоят, илтимоснома ёки бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган бошқа ҳаракатлар бу борадаги жараёнларнинг бошланишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Айтиш жоизки, ҳимоя қилиш усули — бу ҳимояланаётган ҳуқуқни муҳофазалашдаги юридик фаолиятнинг бир кўриниши ва тартиби бўлиб ҳисобланади.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик сари дадил қадамлар ташланмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонини алоҳида таъкидлаш ўринли. Унга кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди.

Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида шу давлат органи ҳисобидан қопланиши назарда тутилади. Масалан, хўжалик судлари томонидан 2006 йилнинг 1-ярмида 42 та мансабдор шахсга нисбатан таъсир чоралари қўлланилди. Шу жумладан, 40 таси интизомий жавобгарликка, 2 таси моддий жавобгарликка тортилиб, тадбиркорлик субъектларига етказилган 625000 сўм зарар ундирилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича хўжалик судларига келиб тушган 224 та даъво аризасининг 105 таси қаноатлантирилди. Тадбиркорлик субъектлари фойдасига давлат органларидан 15800000 сўм ундирилди.

Тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этган ҳуқуқбузарлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан, пеня тўлаган бўлса, молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилади. Жумладан, назорат органи «Намуна консерва» шўъба корхонасига нисбатан 97,0 минг сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисида даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат этди. Суд мажлисида жавобгар вакили қўшимча ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловлар ҳамда ҳисобланган устамаларни бир ой ичида ихтиёрий равишда тўлаганлигини ҳисобга олиб, даъвогарнинг аризасини қаноатлантириш рад этилди.

Яна бир мисол. «Ҳосил» фермер хўжалигига нисбатан 125,8 минг сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисида хўжалик судига ариза билан мурожаат этилган эди. Фермер хўжалиги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш жараёнида 2004 йил давомида иш ҳақидан ушланган даромад солиғини бюджетга ўз вақтида ўтказмаганлиги аниқланди. Суд жараёнида олиб борилган тушунтиришлар натижасида фермер хўжалиги раҳбари текширишда аниқланган қўшимча маблағни давлат бюджетига тўлаганлиги сабабли жавобгар молиявий санкция қўлланилишидан озод этилиб, иш юритиш тугатилди.

Албатта, бундай тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими тадбиркорлик фаолиятида эркин шарт-шароит яратади. Ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг фаоллигини янада оширади. Бу борада тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг ҳуқуқий тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам катта самара бериши мумкинлиги назарда тутиш лозим. Шунинг учун тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида ваколатли давлат органлари ўз ишларини янада жонлантириши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Содиқжон ЗОКИРОВ,
Олий хўжалик суди судьяси, юридик фанлар номзоди

● Банк ва мижоз

ҲАР БИР ОИЛА ФАРОВОН БЎЛСИН

Акциядорлик-тижорат «Микрокредитбанк» Қашқадарё вилояти филиали ходимларининг шиори шундай

Маълумки, Президентимизнинг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига кўра, хусусий, оилавий тадбиркорларга, микрофирмаларга, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган деҳқон-фермер хўжаликларига микрокредит ва микролизинглар берила бошланди.

«Микрокредитбанк»нинг бошқа банклардан фарқи шундаки, унинг кредитлари тадбиркорликни бошловчилар учун ва кичик бизнес субъектларига хизмат қилади. Яъни улар кичикроқ ҳажмда, кам фоизларда бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай даврда, ҳар қандай банк учун энг муҳим нарса мижоз ишончини оқлаш ҳисобланади. Ўз навбатида мижоз ҳам ҳар жиҳатдан банкнинг ишончига сазовор бўлса ва микрокредитни аниқ мақсад йўлида йўналтира олса, «қарс икки қўлдан» деганларидек олам гулистон, иш юришаверади.

«Микрокредитбанк»нинг Қашқадарё вилояти филиали ходимлари ҳам ўз ишларига ана шундай мезонда ёндашмоқдалар. Аввало микрокредит олишга сазовор бўладиган мижоз чуқур ўрганилади. Сўнг тегишли семинарда ўқитилиб, шундан кейингина тақдим этилган лойиҳани молиялаштириш имконияти берилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаганлар, яъни якка тартибда иш юритаётганлар учун бошланғич сармояни шакллантиришга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар, микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида, фермер хўжаликлари учун эса энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорида кредитлар берилаётир. Бу кредитлар бир ярим йил муддатга мўлжалланган бўлиб, фоизлари атиги 5 фоизни ташкил этади.

Масалан, банк филиалининг амалиёт бўлими томонидан «Техник прогресс» МЧЖ корхонасига шу йилнинг 20 июлида ўз фаолиятини кенгайтириш учун 24 ой муддатга 16 фоиз устама тўлаш шарти билан 4 млн. сўм микрокредит берилди. Алибек Эшов раҳбарлигидаги ушбу корхона колбаса маҳсулотлари ва яхна ичимликларни сотиш бўйича бизнес режани амалга оширмоқда. «Техник прогресс» МЧЖ корхона ва ташкилотлардан озиқ-овқат маҳсулотларини, хусусан ун, ёғ, колбаса, спиртли ва яхна ичимликларни сотиб олади ва 20 фоиздан ошмаган миқдорда устама қўйиб бошқа ташкилот, хўжалик ва аҳолига сотади. Савдо-сотиқ ишлари банкдан пул ўтказиш йўли билан ҳамда накд пул эвазига амалга оширилади. Ҳозирги кунда кредит қолдиғи 3 млн. 833 минг сўмни ташкил этмоқда. Корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланиб бораётганлиги туфайли кредитнинг фоиз устамалари ўз вақтида тўланаётир.



Шаҳрисабз туманидаги «Тўраев бобо набираси Асатилло» хусусий фирмаси ҳам «Микрокредитбанк»нинг Шаҳрисабз бўлимидан шу йил июлда сут маҳсулотларини қайта ишлаш мақсадида 24 ой муддатга 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 5 млн. 400 минг сўм миқдорида микрокредит олганди. Айни пайтда ушбу фирма аҳолининг сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Жамоанинг нияти йил охиригача 6 млн. 945 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 2 млн. 610 минг сўм соф фойда олиш.

Яна бир мисол. Косон туманидаги «Семурғ» хусусий савдо фирмасига банк бўлими томонидан микролизинг асосида 12 млн. 44 минг сўмга 2 дона мини босмахона олиб берилди. Натижада қўшимча равишда 2 та ишчи ўрни яратилди. Айни пайтда «Семурғ» хусусий савдо фирмаси тумандаги йирик ташкилотлар, таъминотчи корхоналар билан шартнома тузиб ҳар хил турдаги қоғоз бланкаларини ишлаб чиқармоқда. Корхона ўзининг бизнес режаси бўйича бу йил 233 млн. 358 минг сўм даромад олишни кўзламоқда. Соф фойдани эса 7 млн. 948 минг сўмга етказишмоқчи. Банкдан олинган кредит усталари ҳам ўз вақтида қайтарилмоқда.

Қишлоқдаги оилалар даромаднинг маълум қисмини чорвачиликдан олиши ҳеч кимга сир эмас. Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қай даражада долзарб ва муҳимлигини, айниқса, қишлоқ аҳолиси яхши тушунади. Мазкур қарор ижроси бўйича эса «Микрокредитбанк» туман бўлимлари астойдил иш олиб боришмоқда. Чунончи, Чироқчи туманидаги «Олтинсой» фермер хўжалиги раҳбари Жумақул Турдиқулов шу йилнинг ўрталарида банк бўлимига мурожаат қилди. Мақсади чорва моллари ва озуқа сотиб олиш эди. Банк бўлимидагилар 24 ой муддатга 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 2 млн. сўм микрокредитни накд пулда беришди. Бугунги кунда Ж.Турдиқулов 8 бош қорамолни парваришламоқда. Кредит фоиз устамаларини эса ўз вақтида тўлаяпти.

— Ўтган қисқа давр банкимиз учун шакллариш ва ривожланиш даври бўлди, — дейди **«Микрокредитбанк» Қашқадарё вилояти филиали раҳбари Акром СУЛАЙМОНОВ.** — Филиал тасарруфида 9 та банк бўлими мавжуд. Бундан ташқари чекка қишлоқларда 34 та минибанк бўлимлари очишга ҳам улгурдик. Улар 10957 мижозга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жараёнлар соддалаштирилиб, мижозларимиз учун кредит расмийлаштиришда илгариги тажрибалардан фарқли равишда талаб қилинадиган ҳужжатлар сон жиҳатидан бирмунча қисқартирилган. Бор йўғи 3 та ҳужжат орқали бу жараённи амалга оширмоқдалар.

Бугунги кунда хизмат кўрсатаётган мижозларимизнинг 5222 таси — оилавий ва хусусий тадбиркорлар, 50 таси нодавлат ташкилотлар, 135 таси бюджет ҳамда 1063 таси бошқа ташкилотларни ташкил этади. Яна бир мисол: шу йилнинг 1 июнь ҳолатида мижозларимиз сони 10709 та бўлса, 1 сентябрга келиб, 10957 тага етди ёки улар сафи 248 тага кўпайди. Мақсадимиз ҳам шу.

— Айтинг-чи, Президентимиз Фармони талабларини бажариш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси қандай? Банк молия бозорида ўз ўрни ҳамда мавқеини эгаллай оляптими?

— Иқтисодиётнинг юксалишида, ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ўсишида банк хизмати алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун мижозларга енгиллик яратиш мақсадида минибанклар ташкил этишга эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан Миришкор, Ғузор, Деҳқонобод туманларида 3 та янги минибанк очдик. Уларда мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу йилнинг июнь, июль, август ойларида 693,8 млн. сўмлик микрокредит ва микролизинг хизмати кўрсатилди. Хўжалик юритувчи субъектларга бошланғич сармояни шакллантириш учун 66,1 млн. сўм, бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш учун 571,9 млн. сўмлик микрокредит ва 55,8 млн. сўмлик микролизинг хизмати кўрсатилди.

Шунингдек шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида 286,9 млн. сўмлик кредитлар берилди. Бу имкониятдан 335 та фуқаро фойдаланди.

Филиалда аҳоли бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш бўйича ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Талаб қилиб олинадиган «Тадбиркор», «Орзу», «Нуроний», «Сиҳат-саломатлик», «Тежамкор-коммуналчи», «Автокредит-жамғармаси», «Истеъмол-жамғармаси», «Она юрт», «Шодиёна» омонат турлари мавжуд бўлиб, ушбу омонат турлари бўйича аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Натижада шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатига аҳоли омонатлари қолдиғи 817739 минг сўмни ташкил этишига эришилди. Шундан — 471019 минг сўми аҳолининг муддатли омонатлари ва 346720 минг сўм талаб қилиб олинадиган омонатлардир.

Сўнгги уч ой ичида банк даромади кескин ўсди. 1 июнь ҳолатига олинган даромад 654294 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1 сентябрга келиб, 1246180 минг сўмга етди, яъни 52,5 фоизга ошди. Буни қувонарли ҳол деб баҳолаш мумкин. Аммо бу борада, филиалдагилар янада яхшироқ натижаларни қайд этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Суратларда: *банк фаолиятидан лавҳа; банк кўмагида ташкил этилган айрим кичик корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар.*

МАҚСАД — НАМУНАЛИ УЛГУРЖИ САВДО

Республикамиз Президентининг «Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2006 йил 8 июнь, ПҚ-374-сон) Қарори чакана улгуржи савдо тизимини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Унга кўра, аҳолининг ижтимоий ҳимояси йўлида кунлик харид истеъмол моллари учун хизмат қиладиган улгуржи савдо корхоналари 3 йил давомида ялпи даромад солиғи тўлашдан озод этилди.

Хўш, бундан кўзланган мақсад нима? Энг аввало, республикада улгуржи савдо йўналиши ва унинг тартибини янада юксалтириш, шунингдек, аҳолининг бугунги талаби даражасидаги харид моллари турини кўпайтириш, сифатини яхшилашдан иборат. Айни кезда республика ва вилоятлар улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи барча ихтисослашган базаларда бу тартиб кенг жорий этилди. Шунингдек, улгуржи базалар, уларнинг ҳудудий бирлашмалари давлат мақсадли жамғармаларига ва республика Молия вазирлиги ҳузуридаги мактаб таълим бюджетидан ташқари жамғармасига белгиланган амалдаги ставкалар бўйича ялпи даромаддан ажратмалар ўтказа бошладилар.

— Туманимизда 2 та улгуржи савдо базаси бор, — дейди **Қизилтепа туман солиқ инспекцияси бошлиғи Шавкат Раҳимов.** — Ҳар икки база ҳам 3 йиллик даромад солиғидан тўла озод этилган бўлса-да, лекин айланма савдо, мол айирбошлаш ва топилган фойдадан чекланган тарзда солиқ тўлайдилар. Мантиқан олганда тўлашлари ҳам керакда, ахир. Бозор иқтисодиёти талаби — бу...

— Навоий улгуржи савдо базасининг туманлараро хизмат кўрсатиш бошқармаси бошқа базаларга қараганда анча йирик ташкилот, — дейди **Кармана туман солиқ инспекцияси бошлиғи Орзимурод Қўшабоев.** — Имкониятлари ҳам катта. Шу боис мазкур база билан солиқ ва солиққа тортиш шартномалари бўйича яқин ҳамкорлик қилиб келамиз...

Ҳа, солиқ — барибир солиқ-да! Улгуржи базанинг ўзи солиқдан озод бўлсада, айланма улгуржи савдо, маҳсулот айирбошлаш, истеъмол моллари савдоси операцияларидан тушадиган соф фойдадан солиқ тўлайди. Масалан, улгуржи базанинг сотилган маҳсулот қиймати ойига 500 миллион сўм бўлса, шунинг муайян фоизи атрофида у савдо устамасидан солиқ тўлайди. Натижада, умумий савдо ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳисобидан давлат бюджети зиён кўрмайди. Бундай саъй-ҳаракатларнинг ҳаммаси аслида аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатишга қаратилган.

Музаффар ЖАҲОНОВ

ИРОҚ

Ироқ президенти Жалол Талабоний Оқ уй маслаҳатчиларининг Сурия ва Эронни Ироқдаги тартибсизликларга барҳам беришга жалб этиш борасидаги таклифларини юқори баҳолади.

Маслаҳатчилар гуруҳини собиқ президент катта Жорж Буш даврида АҚШ давлат котиби бўлган Жеймс Бейкер бошқармоқда.

Талабоний фикрича, юқорида қайд этилган икки мамлакат ёрдами билан Ироқда бир неча ой ичида террорчиликка барҳам бериш мумкин.

Америкалик маслаҳатчилар Ироқдан коалиция кучларини тез орада ёки босқичма-босқич олиб чиқиш

ғоясини олға суришмоқда. Бироқ Талабоний бу ғоя яқин орада амалга ошмайди, деган фикрда.

Бейкер бошчилигидаги комиссия бир неча ой ичида ўз таклифлари тафсилотларини тақдим этиши керак. Комиссия АҚШ конгресси илтимосига кўра, Вашингтоннинг Ироқдаги сиёсати қанчалик самарали эканлигини ўрганган.

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд бу борадаги сўнгги хулосани президент Буш беришини айтиб, шу пайтгача на Эрон ва на Сурия ёрдам қўлини чўзиш истагини билдирмаганини айтиб ўтди.

Сурияниг Вашингтондаги элчиси унинг мамлакати Ироқдаги турли гуруҳлар орасидаги воситачи сифатида ўз ҳиссасини қўшиши мумкин бўлган камсонли мамлакатлардан бири эканлигини билдирди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

Европа Иттифоқи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг КҲДРга қўллаган ва Эронга қўллаши мумкин бўлган санкцияларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Бу ҳақда ЕИ Кенгаши баёнотида айтилган.

ЕИ КҲДР томонидан ўтказилган ядро синовларини қаттиқ қоралаб, келажакда Пхеньянни ядро ва ракета синовларини ўтказмасликка чақирди.

— Ядро синовлари минтақа ва халқаро хавфсизлик барқарорлигига раҳна солди. Синовлар ядро қуроллари тарқалмаслиги ҳақидаги битим қоидалари бузилишига олиб келди. Бу ҳаракатлар КҲДРнинг халқаро ҳамжамиятдан узилиб қолиши эҳтимолини кучайтириб, мамлакат аҳолисига ҳеч қандай наф келтирмайди, — дейилади баёнотда.

ЕИ Кенгаши КҲДРни БМТ ХКнинг барча резолюцияларини бажариб, ядро қуроллари тарқалмаслиги режимини бузишни тўхтатиш, ядро дастурини давом эттирмаслик ва ядро объектларини МАГАТЭ ихтиёрига топширишга чақирди.

Эслатиб ўтамиз, БМТ Хавфсизлик Кенгаши шанба куни Шимолий Корея ҳарбий-техник, биринчи навбатда ядро ва ракета борасидаги салоҳиятини ушлаб туришга қаратилган резолюцияни қабул қилди. Резолюция КҲДРга нисбатан иқтисодий чоралар ёки ҳарбий куч ишлатишни кўзда тутмайди. Санкция муддати белгиланмаган, бироқ улар Пхеньян ядросиз мавқега қайтгани ва олти томонлама музокараларни давом эттирганидан кейингина олиб ташланиши маълум бўлди.

— Кенгаш Эрон уранни бойитишни тўхтатмаганлиги туфайли ЕИ бундай чораларни қўллаб-қувватлашдан бошқа йўлни кўрмаяпти, — деб таъкидланади Кенгаш баёнотида.

Шу билан бирга ҳужжатда музокаралар эшиги ҳамон очиқлигича қолаётгани айтиб ўтилган.

Эрон билан музокараларни ЕИ номидан Буюк Британия, Германия ва Франция олиб борди. Охирги ойлар мобайнида эса музокараларни Солана олиб борганди. У музокараларда нафақат ЕИ, балки Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоси ва Германия вакили сифатида қатнашди.

ФАЛАСТИН

Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос парламент сайловида ғалаба қозонган радикал «ХАМАС» гуруҳи ва «Фатх» ҳаракати иштирокида миллий бирдамлик ҳукуматини тузиш ҳаракати амалга ошмагач, «ХАМАС» бошчилигидаги ҳукуматни истеъфога чиқариш режаси борлигини маълум қилди.

Рамаллоҳдаги матбуот анжуманида у «ХАМАС» гуруҳи Исроилни расман тан олишни истамаганлиги туфайли миллий бирдамлик ҳукумати тузилмаганлигини айтиб ўтди.

Бу минтақада ҳарбий фаоллик ошиши билан ички сиёсий вазият ҳам чигаллашиб бораётгани кузатилмоқда.

Чоршанба куни кечаси Исроил армияси томонидан Ғазо минтақаси ўққа тутилгани туфайли икки нафар фаластинлик ҳалок бўлди. Унинг биттаси «ХАМАС» гуруҳининг ҳарбий бўлинмаси аъзоси бўлса, иккинчиси оддий фуқаро эди.

● Интер-спорт

ТАЙСОН АЁЛ БОКСЧИНИ ЖАНГГА ЧОРЛАМОҚДА

Оғир вазндаги собиқ мутлақ жаҳон чемпиони Майк Тайсон аёллар ўртасидаги профессионал боксда таниқли бўлиб қолган Энн Вульф билан жанг қилмоқчи эканини айтди. 40 ёшли Тайсоннинг гапларига қараганда, бу жанг «Mike Tyson`s World Tour» шоуси доирасида ўтказилиши лозим. Тайсон бу ҳақда бокс бўйича жаҳон турнирига бағишланган матбуот йиғилишида ахборот берди. Жума куни америкалик боксчи тўрт раунд мобайнида ўзининг эски рақиби «T-Rex» лақабли Кори Сандерс билан жанг қилиши керак.

Тайсон аёл боксчи Вульфнинг машҳур спортчилардан эканини эътироф этмоқда. Мухбирларнинг бу ҳазил эмасми, деган саволига у: «Мен жиддий гапиряпман» деб жавоб берган. Бундан ташқари, Тайсон катта боксга қайтмоқчи эмаслигини, унинг мақсади яшаш учун сармоя йиғиш эканини ҳам тан олмоқда. Айни пайтда, Вульфнинг иш юритувчиси Расс Янг Тайсон билан бўладиган жанг амалиётга тўғри келмайди деган фикрда. Чунки, Тайсон билан Вульф вазнларида катта фарқ бор. Вульф жами 22 та жанг ўтказиб, шундан 21 тасида (15 нокаут) ғалаба қозонган.

«ОЛИМПИАДА-2012» МУДДАТИ ЎЗГАРАРМИКИН?

Маълумки, 2012 йили Олимпия ўйинлари Лондонда уюштирилиши режалаштирилган. Катта спорт байрами 27 июлдан 12 августгача давом этиши керак. Лекин Туркия ва бошқа бир қатор мусулмон давлатлари Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитасига мурожаат қилиб, мусобақалар ўтказиладиган муддатлар Рамазон ойига тўғри келгани учун ўзгартириш киритишни илтимос қилишмоқда. Чунки, 2012 йилнинг 20 июлидан 21 августига қадар бўлган кунлар Муборак Рамазон ойига тўғри келаркан. Шариат қонунларига биноан мусулмонлар бу даврда рўза тутадилар. Мусулмон спортчилар эса Олимпия ўйинлари бахсларида ноқулай аҳволга тушишлари мумкин. Ваҳоланки, бўлажак Олимпия ўйинларида мусулмон давлатлари вакилларидан 3000 дан кўпроғи иштирок этиши кўзда тутилган.

«Олимпия-2012» ташкилий қўмитаси вакили Жоанна Меннинг-Купер мусулмонларнинг илтимоси бўйича Англияда муаммони ҳал этишга оид ташкилий ишлар бошлаб юборганлигини баён қилган.

● Экология

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан «Экология ва саломатлик кунлари» дастурининг учинчи босқич тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни бажарилишига бағишланган жамоат эшитувлари ўтказилди

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, фавқулодда вазиятлар хизмати, Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси, маҳалла фуқаролари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва санитария-эпидемиология хизматлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда бугунги куннинг долзарб экологик муаммоларидан бири — атмосфера ҳавоси ифлосланишининг, унинг табиий таркибини сақлаш ҳамда атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физик, биологик таъсир кўрсатилишининг олдини олиш масаласига эътибор қаратилди. Зотан, куз мавсумининг хазонрезги даврида хазонлар ёқилиши натижасида атмосфера ҳавосининг зарарли моддалар билан ифлосланишига йўл қўймаслик алоҳида диққат-эътибор талаб этади.

Мамлакатимизда мазкур масаланинг ҳал қилиниши борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган.

Юртимизда сўнгги йилларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси пасайиши кузатилмоқда. Аммо, баъзи шаҳар ва туманларда кўчма манбалар чиқараётган ифлослантирувчи моддаларнинг ортиши боис ўша ҳудудларда танг вазият юзага келаётир.

Қолаверса, Тошкент, Қашқадарё, Навоий, Фарғона вилоятларида фаолият юритаётган энергетика, қора ва рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси саноати, газ саноати, нефтни қайта ишлаш заводлари, цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи саноат объектларига айланиб қолаётир.

Атмосфера ифлосланишида, айниқса, нефтни қайта ишлаш заводларининг «улуши» катта. 51 фоиз углеводородлар тармоқ корхоналари зиммасига тўғри келади. Республика бўйича эса атмосферага чиқариладиган углеводородлар миқдори 73 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, табиатни муҳофаза қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ҳанузгача атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи йирик манба бўлиб қолмоқда. Республика бўйича барча стационар манбалар томонидан чиқарилаётган чиқиндиларнинг 12 фоизи ва олтингугурт диоксидининг 26 фоизи ушбу ташкилотга тўғри келади. Баъзи йилларда, Олмалиқ шаҳрида атмосфера ҳавосининг олтингугурт диоксиди билан ифлосланиш даражаси санитария-гигиеник меъёрларидан 5 баробар ошганлигини кузатиш мумкин.

Тадбир иштирокчилари мазкур муаммоларни бартараф этиш борасидаги тавсияларни муҳокама қилдилар.

Шаҳар аҳолиси яшаш ҳудудларининг ҳолати санитария-гигиена талабларига мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида, ҳамда аҳолидан келиб тушаётган шикоят-аризаларга асосан «ЭКОСАН» ташкилоти вакиллари оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда рейдлар ташкил этмоқда. Рейдлар давомида кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда хазонлар ва чиқиндиларни ёқиш ҳолатлари аниқланди. Бу ўта ачинарли ҳолат. Чунки, дарахт ва бошқа ўсимликларнинг барглари автотранспорт, саноат корхоналаридан чиқаётган газли чиқиндилар таркибидаги турли токсик моддаларни, чангни ютиб олади. Хазонлар ёқиб юборилганда эса улар таркибидаги оғир металлар тупроқнинг юқори қисмида тўпланиб қолади. Натижада атмосфера ҳавоси ифлосланиб, инсон саломатлигига зарар етади.

Шу боис, учинчи босқич доирасида хазонлар ёқиб юборилишининг олдини олиш, уларни компост қилиш учун махсус жойларни ажратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жамоат эшитувларида хазон ёқилиши натижасида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, айниқса, инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олишда **Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни** аҳамиятини оширишга диққат-эътибор қаратилди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

● Таҳририятга хат

АЛИНИНГ АЙБИ УЧУН ВАЛИ ЖАВОБГАРМИ?

Ёки сотиб юборилган корхонанинг янги мулкдоридан эски қарзлар талаб қилинаётгани хусусида

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Улар манфаатини ҳимояловчи ҳуқуқий база яратилди. Айниқса, бу борада Президентимизнинг қатор қарор ва фармонлари муҳим ҳуқуқий ҳимоя тизими бўлиб хизмат қилмоқда, десам янглишмайман.

Тадбиркорлик ва ишбилармонликка яратиб берилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, мен ҳам мулкдор бўлишга, ўз ҳаракатларим билан одамларга фойда келтиришга қарор қилдим. 2003 йилнинг охирига келиб Термиз шаҳридаги иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган 5-қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси (ПСМ-5)нинг 25 фоизли давлат улушини ҳам биржа савдоси орқали сотиб олганимдан сўнг, корхона тўлиқ ихтиёримга ўтди, реестрдан чиқарилиб тугатилди. 2004 йил 4 февраль куни эса менга тегишли «Анис-Фариддун» хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилди.

Катта орзу-умидлар билан иш бошладим. Лекин ишга шўнғиган бир пайтда шундай муаммолар чиқиб қолдики, менинг ва оиламнинг вақти, мана бир ярим йилдирки, асосан шуларга сарф бўлмоқда. Шу вақт ичида турли низолар бўйича ўндан кўп турли босқичдаги судларда гоҳ даъвогар, гоҳ жавобгар сифатида қатнашишга тўғри келди. Очиғини айтганда, бундай овора-ю сарсонгарчилик, судма-суд судралишлар оқибатида қўлинг ишдан ҳам совиб кетар экан. Келинг, корхонамиз бошидан ўтказган ана шундай воқеалардан бирини айтиб берай.

Мен сотиб олган собиқ корхона РАТБ «Ғаллабанк» Сурхондарё минтақавий филиалидан 2002 йил 20 март куни уч йил муддатга ўн миллион сўм кредит олган ва қарзни қайтармаган экан. Ваҳоланки, корхона сотиб олингандан сўнг газетада эълон берилган, кредитор ва дебиторлар огоҳлантирилган эди. Ўша пайтда банк раҳбарларидан ҳеч ким қарзи борлигини маълум қилган эмас. Энди эса, орадан бир йил ўтиб, банк кредит қарзи ва 2 миллион 540 минг сўм фоизини бизнинг «Анис-Фариддун»дан талаб қилса бўладими...

Уларнинг бу асоссиз талабига, албатта, «йўқ» дедик. Ростданам қизиқда, асосан шуларга сарф бўлмоқда. Шу вақт ичида турли низолар бўйича ўндан кўп турли босқичдаги судларда гоҳ даъвогар, гоҳ жавобгар сифатида қатнашишга тўғри келди. Очиғини айтганда, бундай овора-ю сарсонгарчилик, судма-суд судралишлар оқибатида қўлинг ишдан ҳам совиб кетар экан. Келинг, корхонамиз бошидан ўтказган ана шундай воқеалардан бирини айтиб берай.

Мен сотиб олган собиқ корхона РАТБ «Ғаллабанк» Сурхондарё минтақавий филиалидан 2002 йил 20 март куни уч йил муддатга ўн миллион сўм кредит олган ва қарзни қайтармаган экан. Энди эса, орадан бир йил ўтиб, банк кредит қарзи ва 2 миллион 540 минг сўм фоизини бизнинг «Анис-Фариддун»дан талаб қилса бўладими...

Уларнинг бу асоссиз талабига, албатта, «йўқ» дедик. Ростданам қизиқда, Алининг айби учун Вали жавоб берадими? Ахир биз корхонани биржа орқали сотиб олганмиз, ўзимизга унинг қарзларини тўлаш мажбуриятини олганимиз йўқ. Агар корхонада ростдан ҳам банк филиалининг қарзи бўлса, нега сотилаётган пайтда бу ҳақда ҳеч кимга хабар қилинмаган, қарзни ундириш чоралари кўрилмаган? Нега энди «Анис-Фариддун»га азият чекиши керак экан...

Хуллас, банк даъво билан вилоят хўжалик судига чиқди. Суднинг биринчи ва кейинги босқичларида ҳам даъво рад этилди.

Уларнинг ажабтовур бу талабидан кўра, кейинги тажовузкорона ҳаракатлари ошиб тушди. Бир куни банк ходимлари келиб, «Анис-Фариддун» мулклари бўлган «ГАЗ-5201», «ГАЗ-3101» автоуловларни ва 2000 донага яқин черепицаларни ўша кредит қарзи учун олиб кетишди. Талаб қилдик, мулкимизни қайтаришмади. Кўплаб идораларга мурожаат қилдик. Шукрки, мурожаатларимиз бесамар кетмади.

Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бизнинг манфаатимизни кўзлаб, хўжалик судига даъво аризаси киритди. Даъвони кўриб чиққан Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2005 йил 21 ноябрдаги одилона ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қисман қаноатлантирилди. Ҳар иккала ноқонуний олинган автоулов ва 1712 дона черепица ниҳоят ярим йилдан сўнг «Анис-Фариддун»га қайтариб бериладиган бўлди. Олинмай қолинган фойда, етказилган зарар ва суд харажатлари бўлиб жами 19391098 сўм «Ғаллабанк»нинг Сурхондарё минтақавий филиали ҳисобидан хусусий фирмамиз ҳисоб рақамига ўтказилиши белгиланди.

Хуллас, адолат қарор топди. Бунинг учун одил судьяларга раҳмат. Лекин уни рўёбга чиқариш учун жуда кўп вақт сарф қилинар экан. Яхшиямки, тадбиркорларни ҳимоя қилувчи қонунларимиз, қонуности ҳужжатларимиз етарли. Йўқса, жойлардаги ўз креслосидан нарини кўра олмайдиган баъзилар улар фаолиятига бўлар-бўлмасга аралашиши, ўзи билан ҳисоблашишга мажбур қилиши ҳеч гап эмас.

Назаримда, қонунни ҳамма бирдек ҳурмат қилса ва унга бўйсунса, юқоридагидек муаммо ва масалалар пайдо бўлмайди. Ахир ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, мамлакатимизни янада обод қилишга билим ва кучимизни сарфласак яхши эмасми?

Басанда ЖАЛИЛОВА

МАРКАЗИЙ УЧРАШУВ

Футбол бўйича «Пахтакор» — «Трактор», «Насаф» — «Нефтчи» учрашувлари билан олий лига жамоалари 27-тур баҳсларини ниҳоясига етказди.

Ушбу турда «Насаф» — «Нефтчи» жамоалари баҳси чемпионат кумуш медали тақдирини ҳал қилиб берарди. Ўйин фарғоналикларнинг 1:2 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Бу эса ўз тарихида илк маротаба кумуш медални қўлга киритишга яқин турган «Насаф» футболчилари имкониятини пасайтириб юборди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Пахтакор» — «Трактор» — 3:1, «Андижон-ЎзДЭУАвто» — «Тўпаланг» — 3:1, «Сўғдиёна-2004» — «Локомотив» — 1:1, «Машъал» — «Шўртан» — 2:0, «Хоразм» — «Самарқанд-Д» — 0:4, «Қизилқум-Олтин» — «Металлург» — 5:0, «Бухоро» — «Навбаҳор-Н» — 2:1.

● Спорт

ЖУРНАЛИСТЛАР МАЙДОНГА ТУШАДИ

Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган анъанавий турнир давом этади

Шу йилнинг 26 октябрь — 6 ноябрь кунлари журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини ошириш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти соврини учун республика журналистлари ўртасида ўзбек футболи фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича 2-анъанавий турнир ўтказилади.

Ушбу мусобақани ўтказиш анъанасига аслида ўтган йили Фарғона вилоятининг Яйпан шаҳрида асос солинганди. Ўшанда Яйпанда яшаб ўзбек футболи ривожига муносиб ҳисса қўшган Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб илк бор ўтказилган турнирда 19 та жамоа иштирок этганди. Бир ой ўтиб-ўтмай Тошкентда — журналистлар ўртасида турнир уюштирилди. Унда 14 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Хотира турнири бу йил иккинчи бор яна Яйпанда ўтказилди. 16 та жамоа ўртасида деярли уч ҳафта давом этган мусобақаларда Олимжон Акбаров номли стадион деярли томошабинларга тўлиб-тошди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Энди эса анъана яна пойтахтда давом этаяпти.

Турнирнинг савияси ўтган галга нисбатан ошса ошадики, асло камаймайди. Мусобақанинг мукофот жамғармаси ҳам анча салмоқли. Ғолиблар, совриндорлар, яна 11 та номинация бўйича энг яхши деб, топилганлар ҳомийлар томонидан муносиб тақдирланадилар. Турнир Тошкент шаҳридаги «Истиқлол» спорт мажмуи стадионида уюштирилади.

РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ

● 18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам халқимизнинг буюк сиймоси соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантанасида қадимий ва навқирон шаҳарга ташриф буюрган муҳтарам Юртбошимиз илк бор таъсис этилган «Амир Темур» орденини топширар экан, шу кундан эътиборан 18 октябрни Самарқанд шаҳри куни сифатида белгилашни таклиф қилган эдилар. Шундан буён ушбу сана кенг нишонланиб келинмоқда.

Ўтган вақт мобайнида шаҳар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Кўркам истироҳат боғлари, файзли хиёбонлар, халқаро андазаларга мос меҳмонхоналар, такрорланмас меъморий ечимга эга илм-маърифат масканлари шаҳар тароватини янада кўз-кўз қилмоқда.

— Бугун Самарқанд заминида бўлаётган беқиёс ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик амаллари нафақат самарқандликларнинг, балки бутун халқимизнинг ютуғидир, — дейди **шаҳар ҳокими Суҳроб Рафиқов.** — Чунки, Самарқанд сайёҳлар шаҳри. Ҳар йили минглаб хорижликлар шаҳримизни томоша қилиш учун ташриф буюришади. Бу ердаги асрларга тенгдош тарихий обидалар келган ҳар бир киши қалбида ҳайрат ва ҳавас туйғуларини уйғотади. Шундай экан, унинг бугунги қиёфаси жаҳон талабларига жавоб бериши лозим. Бу борада ҳам муҳтарам Президентимиз бошчилигида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан шаҳарнинг 2025 йилгача бўлган ривожлантириш бош лойиҳаси тасдиқланди. Шу кунгача «Шоҳи Зинда» ёдгорлик мажмуаси, «Бибихоним» масжиди ва Регистон майдони атрофида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари бунинг ёрқин намунасидир.

Кеча 18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни кўтаринки кайфият ва зўр иштиёқ билан нишонланди. Шаҳар кўчалари, хиёбонлар, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари одамлар билан гавжум бўлди. Вилоятлик ва пойтахтдан келган хушовоз хонандаларнинг концерт дастурлари, спортчиларнинг қизғин мусобақалари шаҳар аҳли ва меҳмонларга хуш кайфият улашди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

● Жиноятга жазо муқаррар

ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ОХИРИ...

Доимий яшаш жойи Учқудуқ туманининг «Авангард» ширкат хўжалиги бўлган Солиҳа Кожабоеванинг тайинли иш жойи йўқ. Бироқ гап десангиз қоп-қоп — юқоридан келади. Яқинда бу «бойвучча»нинг миси чиқди. Ҳаракатдаги йўл патрул ва божхона хизмати ходимлари унинг машинасини синчиклаб текширишганда, 5 кг. 330 гр. марихуана гиёҳвандлик моддаси топилди. Солиҳа эса «бу кимники?» деган саволга жавоб бермай каловланганча, ер чизиб қолди.

Зарафшонлик Баҳрон Нуниёзов ҳам оғуфурушликда Солиҳадан-да «учар» чиқди. Ёшим бир жойга бориб қолди, мендан ҳеч ким шубҳаланмайди, деб ҳисобловчи 50 ёшли отахон «кўза синиб» қўлга тушди. Рост, ақл ёшда эмас экан...

✧✧✧

Нигора Козимова 3 турдаги 1394 дона, сиғими 0,5 литр бўлган хориж пивосини ғайриқонуний равишда Навоий шаҳрилик Шуҳрат Қосимовнинг «Дамас» автомашинасида олиб кетаётганда қўлга олинди. Қаллобликда пихини ёрган Нигора Навойидаги «Тинчлик» қўрғонида тўхтаб ўтувчи «Астрахань — Душанбе» йўловчи ташиш поездидан ўзига ўхшаш текинхўр проводниклар топиб, улардан арзон нархда у ёки бу истеъмол молларини, пиво ва бошқа алкогол ичимликларини доимий равишда сотиб олишни «касб» қилиб олган эди. Бу ишда унга навоийлик Малика Бозорова кўмаклашган. Аниқроғи, М.Бозорованинг уйи норасмий, ҳужжатсиз, ҳеч қандай сертификати бўлмаган товарларга «бошпана» саналган. Улар «бизнеси»нинг миси чиқиб, бу хуфя «омборхона» ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида текширилганда 3168 дона темир идишларда қадоқланган чет эл пивоси, ҳамда 35 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ноқонуний сақланаётгани ошкор бўлди.

✧✧✧

Хуфя тарзда иш кўрувчи қаллоблар қаторига яна ғиждувонлик Жамил Идиевни ҳам қўшиш мумкин. У ўзининг шахсий «КамАЗ» юк машинасида умумий баҳоси 4.817.200 сўм бўлган 15 тонна ун ва 200 литр пахта ёғини тегишли ҳужжатларсиз олиб кетаётганда тўхтатилди. Яширин истеъмол молларини Зарафшон шаҳрига олиб бориб, пулламоқчи ва мўмай даромад кўрмоқчи бўлган Ж.Идиев айни кезда Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбланиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Шофирконлик Сайдулло Ҳакимов ҳам қиймати 1.440000 сўмлик бўлган 720 литр сифат сертификати ҳамда бирор бир ҳужжати бўлмаган спиртни айланма йўллари орқали ўз шахсий «Дамас» машинасида олиб келаётганида фош бўлди. Бу каби текинга ружу қўйганларнинг барчаси бугун қилмишидан мулзам бўлиб ўтирибдилар.

— Вазирлар Маҳкамасининг тизимимизга оид қарорлари ҳамда республика Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 16 июлдаги буйруғига асосан мамлакатимиз товар бойликларини асраб-авайлаш, унинг талон-торож этилишига йўл қўймаслик асосий вазифамиздир, — дейди вилоят йўл патрул хизмати бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Бахтиёр Рўзиев. — Чунки бурчимиз фақат автомобиллар йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ҳамда автоҳалокатларнинг олдини олиш эмас, балки йўллар билан боғлиқ турли жиноий ишларнинг пайини қирқишдан ҳам иборат.

Дарҳақиқат, эгри йўл-нинг охири фожиа. Ножўя қўйилган ҳар бир қадам ташвиш келтиради.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2005 йил 23 сентябрь Х-229/9-сонли қарорига асосан, даволаш-профилактика муассасалари учун 2006 йилда ажратилган маблағлар ҳисобидан харид қилинаётган тиббиёт асбоб-ускуналарига «Тендер» савдолари 2006 йил 16 ноябрь куни вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси биносининг 33-хонасида ўтказилади.

Талабгор таъминотчи, фирмалар, МЧЖ корхоналари ўз таклифларини кўрсатилган санагача вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси «Тендер» комиссияси номига тақдим этишлари сўралади.

Манзил: Қарши шаҳри,
Хонобод шоссеси, 28-уй, 33-хона.

Мўлжал: Қарши қишлоқ хўжалик коллежи рўпарасида.

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2006 йил 23,30 ноябрь *кунлари соат 11.00да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақроран:*

Тошкент вилояти Хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Чиноз матлубот» МЧЖ қошидаги «Чиноз умумий овқатланиш» шўъба корхонасига тегишли бўлган Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги-Чиноз қўрғонида жойлашган чойхона биноси қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 2 246 495 сўм.

Бостирма.

Бошланғич баҳоси — 66 041 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули **«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»***нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банки Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.*

Қўшимча маълумотлар учун **«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»***га мурожаат қилишингиз мумкин.*

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун тел/факс: 399-80-23.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Baxtiyor DO`SJONOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Nomoz SA`DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1250
7131 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 22.45
Topshirish vaqti — 23.15
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda